



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - январ

158 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Каримов Эгамбердининг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Пахтаобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Каримов Эгамбердининг “Пахтаобод” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 30 январдаги ШЯ-К-334-сонли аризасини, “Пахтаобод” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 29 январдаги 241-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Пахтаобод” маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 96,60 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 129,54 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 226,14 квадрат метр, қурилиш ости майдони 299,34 квадрат метр, умумий ер майдони 1384,4 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Каримов Эгамбердига мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Каримов Эгамбердига ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер

кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Каримов Эгамбердига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев